

**“САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПАНИЯСИ” АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ЯГОНА АКЦИЯДОРНИНГ**

№ 4А/25-сон

ҚАРОРИ

2025 йил “18” август

Тошкент шаҳри
Амир Темури шоҳ кўчаси, 4

“Савдони ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - жамият) Давлат активларини бошқариш агентлиги муассислигида ташкил этилган бўлиб, унинг устав капиталидаги давлат улуши (1 344 627 943 дона оддий акциялар)ни бошқариш функцияси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 2 декабрдаги 01/09-3-17/1887-сонли ишончномаси асосида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Д.А.Вахобовга берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Қонуни 58-моддасига асосан, барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Ушбу Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак. Ушбу Қарор акциядор томонидан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

КУН ТАРТИБИ:

1. “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ Бошқарув раисининг 2024 йил якунлари бўйича жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти, Бизнес-режаси ва самарадорликнинг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

2. “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича “Nazorat-audit” МЧЖнинг аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш.

3. “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг асосий ва қўшимча самарадорлик кўрсаткичлари (СМК), самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) ҳисоб-китоблари ва уларнинг бажарилиш фоизларини компаниянинг 2024 йил Бизнес-режасида белгиланган мезонлар асосида текшириш ва баҳолаш ишлари бўйича “Nazorat-audit” МЧЖнинг аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш.

4. “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг 2024 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2025 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш.

6. “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ Кузатув кенгашининг тавсиясига ҳамда танлов натижаларига кўра кенгашнинг мустақил аъзосини тасдиқлаш.

7. “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ таъсисчилигида тузилган «Бизнесга кўмаклашиш микромолия ташкилоти» МЧЖ га маблағ ўтказиш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

“Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ Бошқарув раиси в.в.б. - Х.Бобоев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти, Бизнес-режаси ва самарадорликнинг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисида ҳисобот берди.

Жамиятнинг 2024 йил учун Бизнес-режаси Жамият Ягона акциядорининг 2024 йил 25 июлдаги 1А/24-сонли қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 мартдаги “Ташқи савдо ва ҳудудий саноатни ривожлантиришда тадбиркорлар бирлашмаларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-126-сонли қарори билан белгиланган Компания фаолияти бўйича 2024 йил давомида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Компания фаолиятига доир ишлаб чиқилган фармон ва қарорларида белгиланган молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби билан тадбиркорлик субъектларининг хабардорлигини ошириш мақсадида Компаниянинг масъуллари томонидан ҳудудларда, хусусан Хоразм, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган учрашувларда қатнашиб, тадбиркорлар, тижорат банклари, маҳаллий ҳокимликлар, Марказий банкнинг вилоят бошқармалари ва бошқа тегишли ташкилотларга Компания фаолияти тўғрисида маълумотлар ва маслаҳатлар берилиб келинмоқда.

Шунингдек, Компания томонидан тақдим этиладиган молиявий ёрдамлар тўғрисида ижтимоий тармоқлар (Телеграм, Инстаграм, Фейсбук ва Х) орқали маълумотлар тадбиркорларга етказилмоқда ва оммавий ахборот воситалари орқали видеороликлар намойиш этилиб, тадбиркорлик субъектларига кенг тарғибот ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Натижада, амалга оширилган ишлар натижасида Компания томонидан жами 1 192 та экспорт қилувчи корхоналарга экспортolni молиялаштириш кредитлари учун тижорат банкларига 213,7 млн доллари миқдорида молиявий ресурс ва 301,7 млрд сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилди.

Амалга оширилган ишлар ҳамда олиб борилган молия-хўжалик фаолияти натижасида, компаниянинг 2024 йил учун тасдиқланган бизнес-режасидаги асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг қуйидагича бажарилиши таъминланди.

2024 йил якунлари бўйича асосий кўрсаткичларнинг бажарилиши

млн.сўм

Кўрсаткичлар	2024 йил		Бажарилиши:	
	Режа	Амалда	+/-	%
Даромадлар,	49 642,75	414 578,61	364 935,86	835%
<i>шу жумладан</i>				
- соф тушум	221,00	469,89	248,89	213%
- асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари		0,37	0,37	
- молиявий фаолиятнинг даромадлари	49 421,75	414 108,34	364 686,59	838%
<i>шундан</i>				
- <i>фоизлар шаклидаги даромадлар</i>	49 421,75	95 785,63	46 363,88	194%
- <i>валюта курси фаркидан даромадлар</i>		318 322,72	318 322,72	
Давр харажатлари	26 162,20	19 229,35	5 430,43	74%
<i>шу жумладан:</i>				
- сотиш харажатлари				
- маъмурий харажатлар	25 768,96	18 155,01	- 7 613,95	70%
- бошқа операцион харажатлар	393,24	1 074,33	13 044,38	3417%
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	18 211,42	337 425,39	319 213,97	1853%
<i>шу жумладан:</i>				
- <i>фоизлар шаклидаги харажатлар</i>	18 211,42	48 974,58	30 763,15	269%
- <i>валюта курси фаркидан зарарлар</i>		288 330,60	288 330,60	
- <i>молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар</i>		120,21	120,21	
Фойда солиғи	790,37	8 803,98	8 013,61	1114%
Соф фойда	4 478,76	49 119,89	44 641,14	1097%

2024 йил якуни бўйича компаниянинг соф фойдаси миқдори 49,12 млрд.сўмни ташкил этди.

Даромадлар асосан молиявий фаолият билан боғлиқ даромадлардан иборат бўлиб йил якунига кўра 414,1 млрд.сўмга тенг бўлди, шундан 318,3 млрд.сўм валюта курси фарқидан даромадлардир.

Шу билан бирга, молиявий фаолият бўйича жами харажатлар 337,4 млрд.сўмни, шундан валюта курси фарқидан зарарлар 288,3 млрд.сўмни ташкил этди.

Валюта курси фарқидан даромадлар ва зарарлар ўртасидаги тафовут деярли 30,0 млрд. сўмга тенг бўлди.

Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича молиявий-иқтисодий фаолият натижаларига кўра асосий самарадорлик муҳим кўрсаткичлари – 1259,87 фоиз, қўшимча самарадорлик муҳим кўрсаткичи эса - 296,65 фоиз ва натижада самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЎК) – 778,26 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Акциядорлик жамиятлари ва давлат улушига эга бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги Низом”га мувофиқ СЎК – 778,26 фоиз “юқори даражада” деб баҳоланади (1-иловада келтирилади).

Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан «Ижроия органи (бошқарув раисига) ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан 2024 йил якунларига кўра Бошқарув раисини моддий рағбатлантириш таклифи маъқулланган. Ушбу Низомга мувофиқ Бошқарув раисига йил якунлари бўйича бонус тўловлари миқдори акциядорлар умумий йиғилиши (Ягона акциядор) нинг қарори билан белгиланиши ҳамда йил давомида ҳақиқатда олинган даромадидан келиб чиқиши кўзда тутилган.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

1. “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ Бошқарув раисининг Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти, Бизнес-режаси ва самарадорликнинг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

2. “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг 2024 йил молиявий-иқтисодий натижаларига кўра Компания бошқарув раисига ўртача иш ҳақи миқдорининг 200 (икки юз) фоизи миқдорида мукофот пули ажратилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

“Nazorat-audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг аудитори Р.Умаров сўзга чиқиб, “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан таништирди.

“Nazorat-audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосасига кўра, “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ нинг 2024 йил 1 январдан 2024 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ тўғри тузилган. Аудиторлик хулосаси илова қилинади (2-илова).

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

“Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича “Nazorat-audit” МЧЖнинг аудиторлик хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

“Nazorat-audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг аудитори Р.Умаров сўзга чиқиб, аудиторлик ташкилоти томонидан “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг асосий ва қўшимча самарадорлик кўрсаткичлари (СМК), самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) ҳисоб-китоблари ва уларнинг бажарилиш фоизларини компаниянинг 2024 йил Бизнес-режасида белгиланган мезонлар асосида текшириш ва баҳолаш ишлари амалга оширилганлигини айтиб ўтди.

2024 йил якунлари бўйича:

- асосий самарадорлик муҳим кўрсаткичлари – 1 259,87%;
- қўшимча самарадорлик муҳим кўрсаткичлари – 298,93%;
- самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) – 778,26% (юқори даражада).

“Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг 2024 йил учун СМК кўрсаткичларининг қийматларини баҳолаш натижалари бўйича аудиторлик хулосаси илова қилинади (3-илова).

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан **қарор қабул қилинди:**

“Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг асосий ва қўшимча самарадорлик кўрсаткичлари (СМК), самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) ҳисоб-китоблари ва уларнинг бажарилиш фоизларини компаниянинг 2024 йил Бизнес-режасида белгиланган мезонлар асосида текшириш ва баҳолаш ишлари бўйича “Nazorat-audit” МЧЖнинг аудиторлик хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:

Бошқарув раиси в.в.б. Х.Бобоев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 102 моддасига асосан “Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн (10) кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим”лигидан келиб чиқиб, “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботи Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланди.

Шу билан бирга, “Nazorat audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосасига кўра, “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг 2024 йилдаги молиявий-хўжалик тўғрисидаги ҳисоботи ва жамиятнинг молиявий ҳолати ишончли акс эттирилганлиги тўғрисида хулоса берилган.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан **қарор қабул қилинди:**

“Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботи 4-иловага асосан тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

Бошқарув раиси в.в.б. Х.У.Бобоев сўзга чиқиб, “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг 2025 йил учун Бизнес-режаси Кузатув кенгашининг 2025 йил 14 февралдаги №2/25-сонли қарори билан маъқулланганлигини билдирди.

Жамият ижроия органи томонидан, 2024 йил якунларидан ҳамда ҳозирда амалга оширилаётган фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖнинг 2025 йил учун Бизнес-режаси қайта кўриб чиқилди ва тасдиқлаш учун киритилмоқда.

2024 йил якунлари ва 2025 йилнинг январь-май ойларида эришилган натижалардан келиб чиқиб Бизнес-режага киритилаётган асосий ўзгаришлар билан таништирди.

Кўрсаткичлар	2024й. факт (май-дек)	2025й. учун маъқулланган режа	2025й. учун тасдиқлашга киритилган режа	Ўзгариш	
				+/-	%
Даромадлар, шу жумладан:	414 578,2	415 863,0	418 829,9	2 966,9	100,7%
Соф тушум	469,9	450,00	562,5	112,5	125,0%
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари			3,1		
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	414 108,3	415 413,0	418 264,3	2 851,3	100,7%
- <i>фоизлар шаклидаги даромадлар</i>	95 785,6	112 454,4	125 305,7	12 851,3	111,4%
- <i>валюта курси фарқидан даромадлар</i>	318 322,7	302 958,5	292 958,5	- 10 000,0	96,7%
Давр харажатлари, шу жумладан:	19 229,3	33 733,1	37 873,9	4 140,8	112,3%
- <i>сотиш харажатлари</i>					
- <i>маъмурий харажатлар</i>	18 155,0	32 331,5	36 472,3	4 140,8	112,8%
- <i>бошқа операция харажатлар</i>	1 074,3	1 401,6	1 401,6	-	100,0%
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	337 425,4	355 345,3	367 245,6	11 900,4	103,3%
- <i>фоизлар шаклидаги харажатлар</i>	48 974,6	63 231,7	65 299,4	2 067,8	103,3%
- <i>валюта курси фарқидан зарарлар</i>	288 330,6	291 946,2	301 946,2	10 000,0	103,4%
- <i>молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар</i>	120,2	167,4	-	- 167,4	0,0%
Фойда солиғи	8 804,0	4 017,7	2 056,6	- 1 961,1	51,2%
Соф фойда	49 119,5	22 766,9	11 653,9	- 11 113,1	51,2%

2024 йил якуни бўйича компаниянинг соф фойдаси миқдори 49,12 млрд.сўмни ташкил этди.

Компаниянинг асосий даромадлари асосан молиявий фаолият билан боғлиқ даромадлардан иборат бўлиб, АҚШ доллари курсининг миллий валютага нисбатан ўсиш ёки камайиши даромадларнинг сезиларли ўзгаришига олиб келиши мумкин. Масалан 2024 йил якунига кўра жами даромадлар 414,1 млрд.сўмга тенг бўлди, шундан 318,3 млрд.сўм валюта курси фарқидан даромадлардир.

Шу билан бирга, молиявий фаолият бўйича жами харажатлар 337,4 млрд.сўмни, шундан валюта курси фарқидан зарарлар 288,3 млрд.сўмни ташкил этди.

Валюта курси фарқидан даромадлар ва зарарлар ўртасидаги тафовут деярли 30,0 млрд. сўмга тенг бўлди.

2025 йилда компаниянинг жами даромадлари 418,8 млрд.сўм миқдорида режалаштирилмоқда, бу 2024 йилдагига 4,2 млрд.сўмга кўп ёки 101% га ўсиши режалаштирилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида АҚШ доллари курсининг миллий валютага нисбатан тушиб кетиши натижасида валюта курси фарқидан даромадлар харажатларга нисбатан секинроқ ўсиши кузатилмоқда (31.12.2025й. ҳолатига 12 920,48 сўм, 15.06.2025й. ҳолатига 12 705,9), яъни миллий валюта АҚШ долларига нисбатан қарийб 215 сўмга мустаҳкамланди. 2025 йилнинг 1 ярим йиллик натижалари бўйича валюта курси фарқидан даромадлар ва зарарлар ўртасидаги тафовут (- 9,0) млрд.сўм даражасида қутулмоқда. Бу эса 2025 йил якунлари бўйича компаниянинг соф фойдаси 2024 йилга нисбатан 24% ни ташкил этиши, ёки 37,4 млрд.сўмга камайишига асосий сабаб сифатида кўрилмоқда.

Валюта курсларининг 2025 йилда шаклланаётган динамикасида келиб чиқиб, Кузатов кенгаши томонидан маъқулланган Бизнес-режадаги соф фойда миқдорини 22,8 млрд.сўмдан 11,7 млрд.сўмгача камайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

АҚШ доллари курсининг йил охиригача ўсиши ёки камайиши жамиятнинг 2025 йилга режалаштирилган соф фойда кўрсаткичининг сезиларли ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан Жамиятнинг 2025 йил учун маъқулланган Бизнес-режасига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни инобатга олган ҳолда қайта тасдиқлаш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди. Бизнес-режасига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан маъқулланган.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан **қарор қабул қилинди:**

1. Жамиятнинг 2025 йил учун Бизнес-режасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Жамиятнинг 2025 йил учун Бизнес-режаси 5-иловага асосан тасдиқлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:

"Савдони ривожлантириш компанияси" АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари Х.Бобоев сўзга чиқиб, Жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 3 февралдаги йиғилиши 1/25-сонли баённомаси билан Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда "АЖ" (МЧЖ) Кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисида" ишлаб чиқилган намунавий Низом асосида "Савдони ривожлантириш компанияси" АЖ Кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш ва фаолияти тўғрисида"ги Низом тасдиқланганлигини маълумот сифатида айтиб ўтди.

Жамият томонидан, тасдиқланган Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда 2025 йил 18 мартдан кенгашнинг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказилиши тўғрисида ўрнатилган тартибда жамиятнинг расмий веб-сайтида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Истиқболли Лойиҳалар Миллий Агентлиги корпоратив ахборот ягона портали <https://new.openinfo.uz> сайтида эълон берилди. Низом талабларига кўра номзодлардан аризаларни қабул қилиш камида бир ой, яъни 2025 йил 19 апрелга қадар давом этди. Номзодлардан келиб тушган аризалар мустақил аъзони танлаб олиш учун ўрнатилган тартибда кузатув кенгашининг йиғилиши кун тартибига киритилди ва Низомда белгиланган тартиб ва мезонларга мувофиқ энг мақбул номзод танлаб олинди.

Кузатув кенгаши томонидан танлаб олинган номзодни Ягона акциядор қарори билан мустақил аъзо сифатида тасдиқлаш таклифи киритилган.

Танлов натижаларига кўра "Савдони ривожлантириш компанияси" АЖ Кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш ва фаолияти тўғрисида"ги Низомда белгиланган тартиб ва мезонларга мувофиқ, баҳолаш натижаси 41 баллга тенг бўлган номзод – Каландаров Алишер Умарович танлов ғолиби деб эълон қилинган.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан **қарор қабул қилинди:**

1. "Савдони ривожлантириш компанияси" АЖнинг Кузатув кенгаши мустақил аъзолиги учун танлов ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Каландаров Алишер Умарович "Савдони ривожлантириш компанияси" АЖ Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси сифатида тасдиқлансин.
3. "Савдони ривожлантириш компанияси" АЖнинг Кузатув кенгашининг тўлиқ таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

3.1. Ходжаев Жамшид Абдухакимович - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари;

- 3.2. Абидов Бадриддин Нуритдинович – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бўлим бошлиғи;
- 3.3. Вахабов Даврон Абдужалолович - Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси;
- 3.4. Ҳайдаров Аҳадбек Яҳёбекович – Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари;
- 3.5. Миралиев Алишер Эркинович - Давлат активларини бошқариш агентлиги директор ўринбосари;
- 3.6. Касимов Илзат Аблахатович - Инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари;
- 3.7. Қаландаров Алишер Умарович - мустақил аъзо.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 16 январдаги ПФ–6-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ таъсисчилигида ҳамда компаниянинг Кузатув кенгаши қарорига асосан “Бизнесга кўмаклашиш микромолия ташкилоти” МЧЖ факторинг ташкилоти ташкил этилган.

Бундан ташқари, ушбу Фармон билан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖга унинг буюртмасига асосан 5 йил муддатга 2028 йил 1 январдан қайтариш шарти билан йиллик 4 фоиз ставкада 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиши ва мазкур маблағлар Жамият томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга қулай шартларда факторинг ва лизинг хизматлари ҳамда тўқимачилик саноати корхоналарига хомашё харид қилиш ва сотиш бўйича савдо операциялари учун молиявий хизматларни кўрсатишга йўналтирилиши белгилиб қўйилган.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан **қарор қабул қилинди:**

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 16 январдаги ПФ–6-сон Фармониغا асосан ажратиладиган 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағлар ҳисобидан Компания ҳузуридаги “Бизнесга кўмаклашиш микромолия ташкилоти” МЧЖга факторинг хизматларини кўрсатиш учун қарз шартномасига ҳамда унинг буюртманомасига асосан маблағ ўтказиб борилсин.

Ушбу қарор 2025 йил “21” август да ёзма шаклда 2 нусхада расмийлаштирилди.

Ўзбекистон
Савдо-саноат палатаси раиси



Д.А.Вахабов